

Рўзани бузадиган нарсалар | Фикҳ дарслари (338-дарс)



19:00 / 24.07.2025 1296

رَّفَكَوِ يَضَقُ، اذْمَعَّاءُودٌ وَأَءِذْعَ بَرَشٍ وَأَلَكُ وَأَنْيَلِي بَسْلٍ دَحَّ اِي فَعْمُوجٌ وَأَعْمَاجٌ نَمَّ
رِيغَ اَلنَّاضَمَرِّءَاذُلِ دَأْسُ فَيَابِ يَهْوِ رَهَاطُمُ لَأَكُ

وَأَهْفُوجٌ يَلِ اِءَاوَدَ لَصَوٌ وَأُلَيْ لُهُنَّ اُنُّظِي وَأَاهَرُكُمُ وَأَطَّخَ رَطْفًا نِ اِطْقَفَ يَضَقُ و
رَطْفًا وَأُهَبَلَعٌ نِ اِلِ اِي فِ اَلْمِ اِي قَتٌ وَأَهْاَصَحَّ عَلَّتْ بِلِ وَأَمَّاسَمَلِ رِيغٌ نَمْرُوعٌ اَمَدُ
هُفَلَحٌ بَابُذٌ وَأُنَّحْدٌ وَأُرَابُعٌ لَحْدٌ وَأَلَزْنُ اَفَرَّظَنُ وَأَمَلَّتْ حِلِ وَأَيْسَانُ

اَلوِ يَضَقُ لَزْنًا نِ اِسَمَلٌ وَأَلَلْبَقُ وَأَجْرَفَ رِيغٌ يِفِ وَأَهْتَيْمُ وَأَهْمِيَهَبٌ اِي طُوٌ وَّلَوِ
هَرَّافَكَ

لَكَ اُمُّتْ هِي فِ نَمَّ جُحُ اِذِلِ اِلِ اِي هَصِّمِحٌ نَمَّ لَقَأُ نَأَكُ اِذِلِ هِنَ اِنْسَأُ يِفِ اَمَلُ لِكَأَبُ دُسْفِي اَلوِ
اَعْمَمْرَهْمَسْمَسَلُ كَأَبِ اَلوِ

دِيْعُ نِإِ دِمْحَم دَنْعَو . رُتْكَ نِإِ دِسْفِيْءِي قَوْلِا دُوْعَو

الْوَكَاوُس لال ال ، فَاخ نِإِة لَبْقَوْلِا و ، ةرورضِي بَص ماعط ال ، ءِي شُغْضَم و قُوذَلِا وِرْكَ و
لُحْكَ لال

نِإِ يَضْقِي و . ةرطفلك اني كُسم مَوِي لُكَل مَظَأ و ، رَظْفَأ ، مَوُص لال نَع زَجَع نِإِ خُي شَو
رَدَق .

رُفِاسُم لال و ، ءوضرم ةداي زَفَاخُ ضِي رَم و ، اودل و وَا اوسفَن يَلَع تَفَاخُ عَضْرُم وَا لَمِاح و
يِي دَفِ ال ب اَوْضَق و اَوْرَظْفَأ

شَاع نِإِ تِاف اَمُهُ شِرا و يَدَف ، تِام مُمُت ، مِاقَأ وَا حَص نِإِ و . بَحَأ - رُضِي ال - رَفَس مَوُص و
اَم وِرْدَق بَف ال اِو وِرْدَق بُهُ دَعَب

ال وِرْيَغُ ةدِابَع و . مَوِي مَوُص كِ ةال ص لُكُ ةي دَف و . ثُلْث لال نِم دَفَن و ءِاصِي لال طُرْش و
ءِي نَجِي

عَم يَحْضُ لال و ، رُظْفَل لال مَوِي يِي أ : ةي ءَنَم لال مِاي لال يي ال لِع وُرْش لال لَف نِإِ مَزَلِي و
حَص مِاص نِإِ و ، يَضَق و رَظْفَأ نِإِ ل ، اءِي ف رُذَن لال حَص و . ءَدَعَب ثِالْث

ضِي اَح و ، مَدَق رُفِاسُم و مَوِي ةي قَب لُكُ سُمِي و ، يَضْقِي مُمُت ، ةف اِي ضِرْدُعَب رُظْفِي و
رَظْفَأ وِل و ، رَفِاسُم مِي قُم مُمُتِي و . نِإِ ءِة يَضْقِي ال و ، مَلَسَأ رُفِاك و ، عَلَب يِي بَص و ، تَرُة ط
ءِي لَع ءَرِاف ك ال

ءِا و نِإِ مَوِي ال ، اءِاضَق اَمِاي اِي مِغُأ نِإِ و . ضَعَب لال ال طِقْ سِي رِة ش لال لُكُ نِإِ و نِإِ ح و

Ким икки йўлдан бирига жинсий яқинлик қилса ёки унга яқинлик қилинса, рўзаси бузилади.

Қасддан ғизо ёки даво бўладиган нарсани еса ёки ичса ҳам рўзаси бузилади.

Бу ҳолатларда қазосини тутади ва худди зиҳор қилувчи каби каффоратни адо қилади.

Каффоратни адо қилиш Рамазон фарзини адо қилишни қасддан бузганда вожиб бўлади. Бошқасида вожиб бўлмайди.

Хато туфайли, мажбурланиш оқибатида, кечаси деб гумон қилиб еб-ичганда, қорнига ёки димоғига терисининг тешикларидан бошқа тарафдан дори етганда, майда тошни ютганда, оғзи тўлиб қусганда фақат қазосини тутади.

Агар қусқи рўзадордан ғолиб келса, ёки эсидан чиқиб оғзини очиб юборса, ёки эҳтилом бўлса, назар солиб туриб маний чиқарса, томоғига чанг, тутун ёки пашша кирса, қазо тутмайди.

Агар ҳайвонга, ўликка ёки фарждан бошқа ерга жинсий яқинлик қилса ёхуд ўпса, ёки ушласа-ю маний нозил бўлса, қазо қилади, каффорат йўқ.

Агар тишининг орасига кириб қолган нўхатдан кичикроқ нарсани еса, рўзаси бузилмайди. Аммо ўша нарса оғиздан чиқарилиб, кейин ейилса, рўза бузилади.

Бир дона кунжутни чайнаб еса ҳам рўзаси очилмайди.

Қусқининг ичига қайтиб кетиши, агар у кўп бўлса, рўзани бузади. Муҳаммаднинг наздида агар қасддан қайтариб ютиб юборса, бузади.

Бирор нарсанинг мазасини татиб кўриш ёки чайнаш макруҳдир. Фақатгина зарурат юзасидан ёш болага овқат чайнаб бериш бундан мустасно.

Ўпиш, агар ортидан бирор нарса бўлиш хавфи бўлса, макруҳдир.

Мисвок қилиш ва сурма қўйиш макруҳ эмас.

Ўта қари одам рўза тутишдан ожиз бўлса, оғзини очади ва ҳар бир тутмаган куни учун бир мискинга садақаи фитр миқдориди таом беради. Кейин рўза тутишга қодир бўлиб қолса, қазосини тутди.

Ҳомиладор ёки эмизикли аёл ўзи ва боласига зарар етишидан қўрқса, бемор хасталиги зиёда бўлишидан қўрқса ва мусофир (ҳам) оғизларини очадилар ва фидясиз қазо қиладилар. Зарар қилмаса, сафарда рўза тутган афзал.

Агар бемор тузалганидан, мусофир муқим бўлганидан кейин сафар ва беморлик муддатича яшаб ўлса, меросхўри қазо қилган миқдорича фидя беради. Агар оз яшаб ўлса, соғ ва муқим бўлган кунлари миқдорича фидя беради. Бунинг учун васият шартдир.

Васиятга амал қилиш учдан бирдан бўлади.

Ҳар бир қазо қилинган намознинг фидяси бир кунлик рўзанинг фидяси миқдорича.

Бировнинг ўрнига бошқанинг қилган ибодати ўтмайди.

Нафл рўзани бошлагандан кейин охиригача тутиш лозим бўлади. Илло, рўза тутиш ман қилинган кунлар - ийди Фитр, ийди Азҳо ва ундан кейинги уч кун бундан мустасно.

Мазкур кунларда назр рўза тутса бўлади. Лекин уни очиб юбориб, кейин қазосини тутади. Агар тутаверса, рўзаси рўза бўлади.

Нафл рўза тутувчи зиёфат узри ила рўзасини очса бўлади. Кейин қазосини тутади.

Мусофир муқим бўлган, ҳайзли аёл пок бўлган, ёш бола балоғатга етган ва кофир мусулмон бўлган куни куннинг қолган вақтида ўзини тияди. Охириги иккиси қазо тутмайди.

Муқим сафарга чиқса, ўша куннинг рўзасини охирига етказди. Агар очиб юборса, унга каффорат лозим бўлмайди.

Ойнинг ҳаммасида мажнун бўлиш рўзани соқит қилади. Баъзисида эмас.

Агар бир неча кун ҳушидан кетиб ётган бўлса, ўша кунларнинг қазосини тутади. Илло, ниятини қилган кунни тутмайди.

Рўзанинг бузилиши икки хил бўлади.

Биринчиси – қазо ва каффоратни вожиб қиладиган ҳолатлар.

Иккинчиси – фақат қазони вожиб қиладиган ҳолатлар.

«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.